

**“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ**  
**бошқарма, корхона ва ташкилотларида ходимларнинг**  
**коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини**  
**бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича**  
**РЕГЛАМЕНТ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Регламент «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг (кейинги ўринларда – Жамият) бошқарма, корхона ва ташкилотлари ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилиги ёки коррупцияга қарши курашишга оид ички идоравий ҳужжатлари бузилишига нисбатан хизмат текширувини (кейинги ўринларда – Хизмат текшируви) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Регламент қуйидаги мақсадларда ишлаб чиқилган:  
жамият, бошқарма, корхона ва ташкилотларда Хизмат текшируви ўтказишга ягона ёндашувни белгилаш;

хизмат текшируви ўтказиш жараёни ва натижаларини ҳужжатлаштириш талабларини белгилаш;

жамият, бошқарма, корхона ва ташкилотларда қоидабузарликлар содир этиш, унга олиб келадиган сабаб ва шартларни аниқлаш ва бартараф қилиш;

жамият, бошқарма, корхона ва ташкилотларда қабул қилинган ички ҳужжатлар ва назорат таомилларидаги камчиликларни аниқлаш ва келгусидаги қоидабузарликларга йўл қўймаслик мақсадида уларни бартараф қилиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

жамият, бошқарма, корхона ва ташкилотлар ходимларининг қўлланилаётган қонунчилик талабларини бузганлик учун жавобгарликка тортилиши хавфини камайтириш.

3. Хизмат текширувида иштирок этаётган жамият, бошқарма, корхона ва ташкилотлар ходимларига ушбу Регламент билан ўрнатилган талабларга риоя қилиниши учун шахсий жавобгарлик юклатилади.

4. Жамият, бошқарма, корхона ва ташкилотларда Хизмат текшируви қуйидаги тамойиллар асосида ўтказилади:

қонунийлик;

жамият, бошқарма, корхона ва ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш;

хизмат текшируви ўтказишда олинган ахборот ва материалларнинг махфийлиги;

жамият, бошқарма, корхона ва ташкилотлар ходимлари томонидан хизмат текшируви ўтказишдаги шаффофлик, ҳалоллик, коллегиялик, бетарафлик ва холислик.

## **II. Хизмат текширувни тайинлаш**

5. Хизмат текшируви жамият бошқарма, корхона ва ташкилотлар ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик ҳужжатлари ёки коррупцияга қарши курашишга оид ички идоравий ҳужжатларининг бузилганлиги тўғрисидаги асосли маълумотлар мавжуд бўлганда ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг хизмат текшируви тайинлаш ҳақидаги муурожаатлари асосида тайинланади.

6. Бундай маълумотлар қуйидаги манбалардан келиши мумкин:

жамият бошқарма ва ташкилотлар ходимларининг ёзма ёки оғзаки шаклдаги бевосита раҳбари ёки бошқа ваколатли шахсга берган маълумоти;

жисмоний ва юридик шахсларнинг жамиятнинг алоқа каналларига юборган хабарлари, шу жумладан, аноним хабарлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари;

оммавий ахборот воситаларидаги, шунингдек ижтимоий тармоқлардаги маълумотлар;

ўтказилган сўровнома, шу жумладан, ижтимоий ва статистик тадқиқотлар натижалари бўйича олинган маълумотлар;

молия бўлинмалари, шунингдек, давлат молиявий назорат органлари ҳулосалари;

Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармаси томонидан коррупцияга қарши ички талаблар мониторинги ва уларга риоя қилиш устидан назорат натижалари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва давлат ҳокимиятининг бошқа органлари топшириқлари;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ходимга ёки собиқ ходимлар фаолияти юзасидан хизмат текшируви тайинлаш ҳақидаги муурожаатлари;

бошқа каналлар орқали келиб тушган коррупциявий характердаги хабарлар.

7. Қуйидагилар Хизмат текшируви ташаббускорлари бўла олади:

Жамият бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари;

Бошқарма, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари;

Одоб-ахлоқ комиссияси;

Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармаси;

Иқтисодий таҳлил ва прогнозлаш бошқармаси бошлиғи;

Юридик бошқарма бошлиғи;

Персонални бошқариш ва кадрлар тайёрлаш бошқармаси бошлиғи.

8. Коррупциявий хатти-харакатлар тўғрисида мазкур Регламентнинг 6-бандида кўрсатилган манбалардан келиб тушган ҳар қандай маълумотга нисбатан Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармаси текшируви ўтказиш учун етарли асос ва маълумотлар мавжудлиги, шунингдек келиб тушган маълумотнинг жамият, ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар ходимларига алоқаси бор-йўқлигини аниқлаш нуқтаи назаридан дастлабки текширув ва таҳлил қилишни амалга оширадилар.

9. Бунда устидан хизмат текшируви ўтказилиши мумкин бўлган ёки манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган ходимларни дастлабки текширув жараёнига жалб қилиш тақиқланади.

10. Дастлабки текширув тегишли маълумот келиб тушган кундан бошлаб 10 (ўн) кундан ортиқ бўлмаган муддатда ўтказилади.

11. Дастлабки текширув хизмат текшируви ҳисобланмайди.

12. Агар дастлабки текширув натижалари бўйича бошқарма, корхона ва ташкилотларга алоқадор бўлган қоидабузарлик содир этилгани, содир этилиши мумкин бўлгани ёки содир этилаётганини тахмин қилишга асос борлиги аниқланса, у ҳолда Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармаси бошқарма, корхона ва ташкилотлар раҳбари номига хизмат хабари юборади.

13. Агар хизмат текшируви жамият бошқарма, корхона ва ташкилотларнинг раҳбари ёки унинг ўринбосарларига нисбатан тайинланган бўлса, билдирги Жамият бошқаруви раиси номига ёзилади.

14. Бошқарма, корхона ва ташкилот раҳбари хизмат хабари олинган кундан бошлаб 3 (уч) иш кунида Хизмат текшируви ўтказиш ёки ўтказмаслик тўғрисида қарор (буйруқ) қабул қилади.

15. Бошқарма, корхона ва ташкилотлар раҳбари хизмат хабарига асосан тегишли материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хизмат текшируви ўтказмасдан тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

16. Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги буйруқда қуйидагилар:

хизмат текшируви предмети (мавзуси);

хизмат текшируви ўтказилишига асос;

хизмат текшируви ўтказишга сабаб бўлган қоидабузарликни содир этишда гумонланаётган ходим (лар), у (лар)нинг ФИШ ва лавозими (бўлинма (бошқарма, бўлим) номи);

хизмат текширувини ўтказиш учун масъул бўлган ишчи гуруҳ таркиби;

хизмат текширувини ўтказиш ва натижаларни тақдим этиш муддатлари кўрсатилади.

17. Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги буйруқ лойиҳаси жамият ёки бошқарма, ташкилот раҳбарига имзолаш учун хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан бошлаб 3 кун ичида тақдим этилиши керак.

### **III. Хизмат текшируви ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ тузиш**

18. Хизмат текширувини ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркибига қоида тариқасида Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармаси, кадрлар билан ишлаш, молия бўлини маси, юридик хизмат ҳамда лавозим мажбурияти хизмат текшируви предмети бўлган ёки шунга яқин бўлган бошқа бўлини малар ходимлари киритилиши мумкин.

19. Бошқарма, корхона ёки ташкилот томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳ таркибига Жамият бошқарув аъзолари томонидан тайинланган ходимлар киритилиши мумкин.

20. Қуйидаги ходимлар ишчи гуруҳ таркибига киритилмайди:  
хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг яқин қариндошлари;  
хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг бевосита раҳбарлиги остидаги ходим;

хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг бевосита раҳбари ва унинг ўринбосарлари (жамият бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари бундан мустасно);

текширув якунидан бевосита ёки билвосита манфаатдор эканлиги ҳақида гумон (масалан, бирга таълим олган, бир ҳудуддан бўлган, ишқий муносабатларда, хизмат текшируви ўтказилаётган ходим билан ошқора зиддиятга эга ва ҳок.) бўлган бошқа ходимлар.

21. Ишчи гуруҳни шакллантириш учун масъулият ишчи гуруҳ раҳбари зиммасида бўлади. У мазкур Регламентнинг 20-бандида кўрсатилган потенциал манфаатлар тўқнашуви ҳолати мавжудлиги бўйича гуруҳ аъзоларини текшириши шарт.

### **IV. Хизмат текширувини ўтказиш**

22. Хизмат текшируви тегишли буйруқ имзоланган санадан бошлаб 30 кундан ортиқ бўлмаган муддатда ўтказилиши керак.

23. Агар хизмат текшируви жараёнида 22-бандда кўрсатилган муддатларнинг узайишига олиб келадиган қўшимча тартиб-таомиллар (шу жумладан, ходимлар ва бошқа шахслар орасида қўшимча сўровнома ўтказиш) ўтказилиши, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилса, у ҳолда ишчи гуруҳ раҳбари бу ҳақда маълум бўлиши билан мажбурий тартибда, хизмат текшируви тўғрисидаги буйруқни имзолаган раҳбарни хабардор қилади. Бундай ҳолатларда, хизмат текширувини ўтказиш муддатлари 30 (ўттиз) календарь кунидан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

24. Устидан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим иш жойида бўлмаганида (таътил, касаллик, хизмат сафари ва бошқалар), хизмат

текшируви вақтинча тўхтатилади, унинг муддати эса автоматик тарзда ушбу ходим йўқ бўлган даврга узайтирилади.

Ходим 30 (ўттиз) календарь кунидан ортиқ муддатга йўқ бўлган ёки хизмат текширувида иштирок этишдан бошқа усул билан бош тортган тақдирда, хизмат текшируви жамият, бошқарма, корхона ёки ташкилот раҳбари билан келишган ҳолда ходимнинг иштирокисиз ўтказилиши мумкин ва ушбу ҳолат хизмат текшируви натижаларида қайд этилади.

25. Устидан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимга, ишчи гуруҳ раҳбарининг тавсиясига асосан жамият бошқарма, корхона ёки ташкилот раҳбари буйруғи билан маълум бир ахборот тизимлари, муайян ҳужжатлардан фойдаланишга чеклов қўйилиши мумкин. Ушбу ҳолатда қабул қилинган буйруқ ҳақида, устидан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим, ўша кунгача буйруққа имзо чектирилган ҳолда таништирилади. Буйруқ билан танишиш рад этилган ҳолда бу ҳақида ишчи гуруҳ раҳбари томонидан далолатнома тузилади.

## **V. Хизмат текширувини ўтказиш давомида ўрганиладиган маълумотлар**

26. Хизмат текширувини ўтказиш давомида ишчи гуруҳ қоидабузарликка алоқадор бўлган маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва ҳужжатлаштириш ишларини амалга оширади, шу жумладан:

қоидабузарлик, уни содир этиш сабаблари нимада акс этади;

қоидалари бузилган қонунчилик ҳужжатлари ва жамиятнинг ички идоравий ҳужжатлари талаблари;

қоидабузарликни содир этиш вақти, жойи, усули;

қоидабузарликни содир этишга жалб қилинган шахслар доираси (жамият, бошқарма, корхона ёки ташкилотлар ходимлари билан бир қаторда учинчи шахслар ҳам);

жамият, бошқарма, корхона ёки идоравий мансуб ташкилотларга етказилган моддий ва номоддий, обрў-эътибор характеридаги зарарнинг кўриниши ва кўлами;

қоидабузарликни содир этишга алоқадор бўлиши мумкин бўлган бошқа маълумотлар.

27. Хизмат текширувини ўтказиш давомида олинадиган маълумотлар манбаси қуйидагилар бўлиши мумкин:

устидан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим, жамият, бошқарма, корхона ёки ташкилотларнинг бошқа ходимлари, учинчи шахсларнинг ёзма ёки оғзаки тушунтиришлари;

тасдиқловчи ҳужжатлар (ёзма ва электрон шаклда);

интернет тармоғининг оммавий тизимида жойланган ахборот манбаларининг маълумотлари;

аудиоёзувлар, фото ва видеоёзувлар;

қоидабузарликка алоқадор бўлган бошқа материаллар.

28. Юқорида санаб ўтилган барча, шу жумладан махфий маълумотлар ишчи гуруҳ томонидан Жамиятда қабул қилинган барча таомилларни қўллаган ҳолда, шунингдек, жамиятнинг ички ҳужжатлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ олиниши ва фойдаланилиши керак.

29. Устидан хизмат текшируви ўтказилаётган ёки бошқа ходимнинг суҳбат ёки тушунтириш беришдан бош тортилган ҳолларда ушбу Регламентнинг 1-иловасига мос шаклда далолатнома расмийлаштирилади.

30. Ишчи гуруҳ раҳбари мазкур ходимнинг далолатнома билан танишганлигини тасдиқлаш учун унга имзо қўйиши зарурлиги тўғрисида хабардор қилади. Агар ходим ҳужжатга имзо қўйишдан бош тортса, у ҳолда ишчи гуруҳ раҳбари ҳужжатга тегишли белги қўяди.

31. Устидан хизмат текширув ўтказилаётган ходим томонидан далолатномага (ёки бошқа ҳужжатларга) имзо қўймаслик унга нисбатан тегишли жавобгарлик чорасини қўллашдан озод қилмайди.

## **VI. Ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзоларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари**

32. Ишчи гуруҳ раҳбари хизмат текширувининг самарадорлиги ва натижаси, шунингдек, ишчи гуруҳ аъзоларининг мазкур Регламент билан белгиланган талабларга амал қилишлари учун масъул бўлади.

33. Хизмат текшируви ўтказиш давомида ишчи гуруҳ раҳбари қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

хизмат текшируви ўтказишнинг йўналишлари амалга ошириладиган тадбирларни белгилайди, ишчи гуруҳ аъзолари олдида маълум бир вазифалар қўяди;

ишчи гуруҳ томонидан хизмат текшируви ўтказилишини ташкиллаштиради ва мувофиқлаштиради;

ишчи гуруҳ томонидан хизмат текширувининг ушбу Регламентга мувофиқ равишда ўтказилишини назорат қилади;

суҳбат ўтказиш, тушунтириш талаб қилиб олиш зарур бўлган ходимлар рўйхатини тузади;

хизмат текширувини холис ва самарали ўтказиш учун зарур бўлган чоралар кўрилишини таъминлайди;

хизмат текшируви тайинлаган раҳбарга хизмат текшируви натижаларининг тақдим этилишини таъминлайди.

34. Хизмат текширувини ўтказишда ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ходимлар билан суҳбат ўтказиш, тушунтириш хати олиш, текширув моҳияти тўғрисида маълумот сўраб олиш;

суҳбатни ёзма шаклда ёки зарурият туғилганда тушунтириш бераётган шахснинг ёзма розилиги билан аудио ва аудио-видеоёзувлар қайд этишни амалга ошириш;

ходимлардан хизмат текширувига алоқадор бўлиши мумкин бўлган материалларни олиш;

жамият бошқарма, корхона ва ташкилотлари мулкининг бус-бутунлигини хатловдан ўтказиш.

35. Ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзолари мажбуриятлари:

хизмат текширувини ўтказишда ушбу Регламент, жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари ва қонунчилик ҳужжатлари талабларига амал қилиш;

хизмат текшируви моҳияти бўйича мавжуд барча материалларни тўплаш;

хизмат текшируви мақсадлари учун аҳамиятга эга бўлган маълумотларнинг (ҳужжатлар, электрон маълумотлар ва б.) бутлигини сақлаш бўйича чоралар кўриш;

мазкур Регламент, жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари ва қонунчилик ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари хизмат текшируви ўтказиш доирасида олинган маълумотларнинг мутлақо маҳфийлигини сақлаш ва ошкор қилмаслик;

мазкур Регламент талабларига мувофиқ равишда хизмат текширув натижаларини расмийлаштириш, шу жумладан жавобгарлик чоралари, қоидабузарлик сабаблари ва қоидабузарликни содир этишга туртки бўлган шартларни бартараф қилиш имконини берадиган чораларни қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

## **VII. Устидан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимларнинг ҳуқуқлари**

36. Устидан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим қуйидаги ҳуқуқларга эга:

хизмат текшируви ўтказиш факти тўғрисида хабардор бўлиш;

қоидабузарликнинг содир этилиши сабаблари ва шароитлари, хизмат текширувининг бориши ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини ифодалаш ҳуқуқи билан ёзма ва оғзаки тушунтиришлар бериш, шунингдек унинг тушунтиришларини тасдиқлаши мумкин бўлган исбот-далилларни тақдим этиш;

тушунтиришлар тақдим этиш ва тақдим этишдан бош тортиш;

ўзи томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ўтказилаётган хизмат текшируви материалларига қўшиб қўйишни талаб қилиш;

хизмат текшируви тугаганлиги тўғрисидаги хабарни олиш ва бундай хабар олингандан кейин 2 (икки) кун ичида хизмат текшируви маълумотномасининг унга тегишли қисми билан у тасдиқланишига қадар танишиш (у фойдаланиш ва ўз мулоҳазаларини қўшиб қўйиш ҳуқуқига эга бўлмаган маҳфий ахборот бундан мустасно);

хизмат текшируви натижаларидан, шу жумладан, ишчи гуруҳ томонидан текширув яқунлари бўйича таклиф этилган жавобгарлик

чорасидан норози бўлган тақдирда ушбу қарор устидан Жамият бошқаруви раиси ёки судга шикоят қилиш.

### **VIII. Хизмат текширувини ўтказишга жалб қилинадиган бошқа ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

37. Хизмат текширувини ўтказишга жалб қилинаётган ходимлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзлари ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик бермаслик;  
Жамият бошқарув раисига ишчи гуруҳ раҳбари ва аъзоларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш.

38. Хизмат текширувини ўтказишга жалб қилинадиган ходимлар: хизмат текширувини ўтказишда ишчи гуруҳга ҳар томонлама кўмак бериш, шу жумладан, хизмат текшируви бўйича талаб қилинган тушунтиришлар, маълумот ва ҳужжатларни тақдим этишлари, ишчи гуруҳ аъзолари томонидан ташкил этиладиган суҳбатларда иштирок этишига;

хизмат текширувида иштирок этганлари сабабли уларга маълум бўлган маълумотларни ошкор қилмасликга мажбурдирлар.

### **IX. Хизмат текшируви натижаларини расмийлаштириш**

39. Хизмат текшируви натижалари бўйича ишчи гуруҳ раҳбари, унинг барча аъзолари, устидан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим томонидан имзоланадиган маълумотнома тузилади.

40. Маълумотнома мазкур Регламентнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда тузилиб, кириш, баён, хулоса ва таклиф қисмдан иборат бўлади.

41. Маълумотнома ёки унинг алоҳида бандларидан норози бўлган ишчи гуруҳ аъзоси, шунингдек устидан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг мулоҳазалари маълумотномага илова қилиниши шарт.

42. Устидан хизмат текшируви ўтказилаётган шахс маълумотномага имзо қўйишдан бош тортган ҳолларда далолотнома расмийлаштирилади. Ушбу далолотномага ишчи гуруҳ аъзоларидан ташқари, хизмат текшируви натижаларидан манфаатдор бўлмаган камида икки нафар шахс имзо қўйиши лозим.

43. Маълумотномага асосан жамият, ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбари қуйидаги қарорларни қабул қилиши мумкин:

қоидабузарлик тўғрисидаги маълумот тасдиқламаганлиги муносабати билан хизмат текширувини якунланган деб топиш;

сабаблар ва муддатлари кўрсатилган ҳолда хизмат текшируви материалларини қўшимча ишлаш учун, зарурат туғилганда эса – ишчи гуруҳ таркибини ўзгартириш учун қайтариш;

ходимни интизомий жавобгарликка тортиш;

ходимга нисбатан огоҳлантириш чораларини қўллаш;



келгусида шу каби қоидабузарликлар содир бўлишининг олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

жиноят аломатлари тасдиқланган ҳолда, тегишли материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этиш.

44. Хизмат текшируви ўтказилишига сабаб бўлган маълумот ҳақида хабар берган шахслар қоидабузарлик тасдиқлангани ёки тасдиқланмагани, шунингдек кўрилган чоралар ҳақида умумий тарзда хабардор қилиниши мумкин.

45. Ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш мақсадида хизмат текшируви натижалари ҳақида ходимлар умумий тартибда хабардор қилинади.

### **XI. Хизмат текширувига оид ҳужжатларни сақлаш ва улардан фойдаланиш**

46. Хизмат текширувида иштирок этаётган ходимлар текширув давомида уларга маълум бўлган ахборотнинг махфийлигини таъминлайдилар (қонунчилик ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно).

47. Хизмат текширувига оид материаллар ишчи гуруҳ раҳбари томонидан алоҳида йиғмажилдга рақамланган ва тикилган ҳолда Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармасига топширилади.

48. Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармаси, бошқарма, корхона ва ташкилотлар ушбу вазифа юкланган бўлинмалар мазкур Регламентга 3-иловага мувофиқ шаклда хизмат текширувлари электрон реестрини юритилишини таъминлайди. Бошқарма, корхона ва ташкилотлар томонидан ўтказилган хизмат текширувлари электрон реестрини ҳар чоракнинг 5 – иш кунига қадар Коррупцияга қарши ички назорат ва комплаенс бошқармасига тақдим этишлари шарт.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ нинг  
бошқарма, корхона ва ташкилотларининг  
коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва  
одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари  
устидан хизмат текширувлари ўтказиш  
бўйича Регламентга  
1-илова

## ДАЛОЛАТНОМА

20\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_

Биз, қуйида имзо чекувчилар

\_\_\_\_\_  
(ФИШ, лавозими)

\_\_\_\_\_  
(ФИШ, лавозими)

\_\_\_\_\_  
(ФИШ, лавозими)

Ходим (ФИШ, лавозими) 20—йилнинг «--»да

\_\_\_\_\_,дан иборат бўлган қоидабузарлик содир этилганлиги тўғрисида ёзма тушунтириш бериш таклиф этилган бўлиб, у ёзма тушунтириш беришни рад этгани тўғрисида ушбу актни туздик.

Ёзма тушунтириш беришни рад этганлиги сабабларини ходим (ФИШ, лавозими) қуйидагилар билан изоҳлади

\_\_\_\_\_ (тушунтириш беришни рад этганлик сабаблари эркин шаклда баён этилсин).

Далолотнома тузган шахслар имзоси:

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(ФИШ)

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(ФИШ)

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(ФИШ)

Далолотнома билан танишдим\*: (ФИШ, лавозим, сана, имзо) \_\_\_\_\_

\* Далолотномага имзо қўйишдан бош тортса, ишчи гуруҳ раҳбари «имзолашдан бош тортди» ёзувини киритиб, ўзи имзо қўяди.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ нинг  
бошқарма, корхона ва ташкилотларининг  
коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ  
қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат  
текширувлари ўтказиш бўйича Регламентга  
2-илова

**“Тасдиқлайман”**  
**“Ўзбекистон темир**  
**йўллари” АЖ бошқаруви**  
**раиси, бошқарма, корхона**  
**ва ташкилотлари раҳбари**  
**(Ф.И.О)**  
20 \_\_ йил \_\_\_\_\_

**Хизмат текшируви натижалари тўғрисида**  
**Маълумотнома**  
\_\_\_\_-сон

1. Асос: Ташкилот раҳбарининг буйруғи (сана ва рақами)

2. Ишчи гуруҳ таркиби:

Ишчи	гуруҳ	раҳбари
------	-------	---------

---

(лавозими, исми фамилияси, насаби)

Ишчи	гуруҳ	аъзолари
------	-------	----------

---

(лавозими, исми фамилияси, насаби)

3. Хизмат текшируви ўтказилган муддати:

4. Текширув ўтказиш учун асослар (келиб тушган хабарнинг қисқача мазмуни):

---

5. Баён қисми (хизмат текширувида аниқланган фактлар):

қоидабузарлик содир бўлганми ва у нималарда ифодаланган;

қоидабузарлик содир этилган жойи, вақти, усули ва қоидабузарликни содир этишнинг бошқа шароитлари;

Хизмат текшируви ўтказилаётган ходим(лар)нинг маълумотлари (ФИШ, лавозими, тузилмавий бўлинма номи (бошқарма, бўлим номини кўрсатган ҳолда), меҳнат шартномаси тузилган сана, ушбу ходимга нисбатан Хизмат текшируви аввал ҳам ўтказилганми);

қоидабузарликни содир этишга алоқадор бўлган шахслар доираси;

қоидабузарликни содир этиш мақсадлари ва сабаблари;

қоидабузарликни содир этишга туртки бўлган сабаб ва шартлар;

конкрет ходимнинг айбдорлигини тасдиқловчи ёки унинг айбсизлигига гувоҳлик берувчи тўпланган маълумотлар таҳлили;

Хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг ўз ҳимояси учун келтирган далиллари, уларни текшириш натижалари.

6. Хулоса ва таклифлар:

а) хулоса қисмида:

Хизмат текшируви ўтказилган шахс(лар)нинг ҳаракат(лар)ида (ҳаракатсизлигида) қоидабузарлик мавжуд ёки йўқлиги тўғрисида хулоса;

қоидабузарлик бўлса, талаблари бузилган Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки Ташкилотнинг ички ҳужжатлари номи, санаси ва бузилган қоида мазмуни;  
қоидабузарлик содир этиш натижасида етказилган зарар характери ва қўлами (мавжуд бўлса);

б) таклиф қисмида  
айбдор шахс (лар)ни жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар;  
қоидабузарлик содир этишга олиб келадиган сабаб ва шартларни бартараф қилишга қаратилган тавсиялар;

Хизмат текшируви материалларини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этиш зарурияти.

Ишчи гуруҳ аъзолари имзолари:

Хулоса билан танишдим\*:

\_\_\_\_\_

(ФИШ, лавозими)

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(сана)

\*Хулосага имзо қўйишдан бош тортса, ишчи гуруҳ раҳбари «имзолашдан бош тортди» ёзувини киритиб, ўзи имзо қўяди.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ  
нинг бошқарма, корхона ва  
ташкilotлари ходимларининг  
коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва  
одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш  
ҳолатлари устидан хизмат  
текширувлари ўтказиш бўйича  
Регламентга  
3-илова

### Хизмат текширувлари электрон реестри

Т/р	Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги буйруқ рақами ва санаси	Ўтказилган Хизмат текшируви натижалари тўғрисидаги маълумотнома рақами ва санаси	Хизмат текшируви ўтказиш даври	Ишчи гуруҳ таркиби	Қоидабузарлик тўғрисидаги ахборот келиб тушган манба	Хизмат текшируви ўтказиш йўналишларининг қисқача таърифи	Текширув натижаларининг қисқача таърифи	Аниқланган айбдор шахслар рўйхати	Текширув натижалари буйича тасдиқланган чоралар	Муддатлар ва ижро учун масъул	Амалда бажарилганлик тўғрисидаги ахборот
1	2	3	5	6	7	8	9	10	11	12	13
1											
2											
3											
4											
5											
...											